



Institute for Macroeconomic
and Regional Studies

Макроиқтисодий ва ҳудудий
тадқиқотлар институти



Ўзбекистон минтақавий

ТАЪЛИМ ХАБИ

УДК: 376.1.378:339.564(575.1)

Ибрагимова. Н. М. Ўзбекистон минтақавий таълим хаби. – Т.: Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти.

Ўзбекистоннинг қулай географик жойлашуви, қўшни мамлакатлар билан маданий яқинлиги ва нисбатан арзон таълим харажатлари мамлакатни минтақавий таълим хабига айлантириш учун катта имконият яратади. 58 та мамлакат маълумотлари асосидаги гравитацион модель масофа таълим экспортида ҳал қилувчи омил эканини кўрсатди: давлатлар ўртасидаги масофа 1 фоизга қисқарса, таълим экспорти 1,4–1,7 фоизга ошиши мумкин. Тадқиқотнинг ўзига хос жиҳати гравитацион модель, Тиссен (Thiessen/Voronoï) усули ва Олий таълим жозибadorлиги индекси орқали истиқболли ташқи бозорлар ва минтақавий таълим кластерларининг аниқланганидир. Минтақада халқаро талабалар учун рақобат кучайиб бораётгани Ўзбекистоннинг мавжуд географик устунлигидан самарали фойдаланишни долзарб қилмоқда. Таҳлил натижалари асосида “Ўзбекистон халқаро таълим хаби–2030” дастурини ишлаб чиқиш ва яқин ташқи бозорларга йўналтирилган таълим экспортини ривожлантириш таклиф этилган. Материал олий таълим ва ташқи иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқувчи вазирлик ва идоралар, ОТМлар ҳамда таълим экспортига масъул ташкилотлар учун мўлжалланган.

Нашр учун масъул: Б. Хамидов, PhD, Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти директори ўринбосари

Материалларни тўлиқ кўчириш ёки қисман иқтибос келтиришга, шунингдек, жадвал ва графиклардан фойдаланишга <http://www.imrs.uz> сайтига гиперхавола мавжуд бўлган ва/ёки муаллифлигини кўрсатувчи ёзув илова қилинган тақдирда йўл қўйилади.

Сайтда эълон қилиш учун 17.08.2026 йилда рухсат етилди.

© Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти, 2026 йил.

КИЧИК ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАЪЛИМ ДИПЛОМАТИЯСИ

Ўзбекистон учун ташқи дунёга очилиш танлов масаласи эмас, балки заруратдир. Зеро, кичик иқтисодиётлар ички бозор ҳажми чекланганлиги, ихтисослашган кадрлар базаси торлиги, ички капитал ва технология манбалари камлиги билан ажралиб туради ва Хитой каби катта иқтисодиётлар билан рақобатда қийналади.

Жаҳон банки кичик давлатларнинг кам сонли аҳолиси ва тор иқтисодий базаси уларни ташқи шоклар, иқтисодий инқирозлар, хомашё нархлари тебраниши ва иқлим ўзгаришига нисбатан таъсирчан қилиб қўйишини таъкидлайди. Шу сабабли бундай иқтисодиётлар учун "ўзини ўзи тўлиқ таъминлаш" эмас, балки ташқи бозорлар, технология ва инсон капитали манбаларига уланиш манфаатли ҳисобланади.

Кичик иқтисодиётлар учун дипломатия ташқи сиёсат иқтисодий инфратузилма вазифасини бажаради. У ташқи бозорларга кириш, инвестицияларни жалб қилиш, технология ўзлаштириш, экспорт каналларини очиш, кадрлар алмашишни таъминловчи иқтисодий механизм ҳисобланади. Бундай шароитда ташқи сиёсат, савдо сиёсати, инвестиция сиёсати ва таълим сиёсати бир-бирини тўлдирган ҳолда ягона миллий рақобатбардошлик архитектурасини ташкил этади.

Таълим дипломатияси эса кичик иқтисодиёт учун фақат юмшоқ куч эмас, балки иқтисодий ўсиш драйвери ҳисобланади. Кичик иқтисодиётда рақобат устунлиги "кўп ишлаб чиқариш"дан эмас, "ақлли ихтисослашув"дан келиб чиқади. Бундай иқтисодиётлар ресурслар кўлами чекланганлиги сабабли катта давлатлар каби барча соҳаларни бир вақтда ривожлантира олмайди. Шунинг учун у маълум стратегик йўналишда чуқур ихтисослашиш йўлини танлаши ва ташқи ҳамкорлик орқали технология ва кадрлар камомadini тўлдириши керак. Бу ерда таълим дипломатияси муҳим аҳамият касб этади. У, бир томондан, мамлакатлар ўртасидаги гуманитар алоқаларнинг яқинлашишига туртки берса, бошқа томондан, инсон капитали ва инновацияларни етиштиришни тезлаштиради. Бундан ташқари, валюта тушуми, хизматлар экспорти, ижара бозори, транспорт, савдо хизматларига ижобий мультипликатив таъсир кўрсатади.

Бухорода XIX аср охирида 10 минг, XX аср бошида 20 минг мадраса талабаси қайд этилгани узоқ йиллар давомида Ўзбекистон ҳудуди Ипак йўли таълим бозорининг энг йирик марказларидан бири бўлганини тасдиқлайди. Улуғбек Самарқандга Қозизода Румий, Фиёсиддин Жамшид Коший ва Али Қушчи каби олимларни жалб этгани эса олимлар йиғилиш нуқталари ривожланишининг асоси эканини билдиради.

ГРАВИТАЦИЯ МОДЕЛИ ХУЛОСАЛАРИ

Минтақада олий таълимга талаб ошиб бормоқда, лекин рақобат ҳам кескинлашмоқда. Ўзбекистонда бугунги кунда 200 дан ортиқ олий таълим муассасалари фаолият юритиши, халқаро университетлар сонининг ўсиб бораётгани, нисбатан арзон ўқиш харажатлари, қулай географик жойлашув ва қўшни мамлакатлар билан маданий яқинлик уни халқаро таълим хаби сифатида шаклланиши учун устуворлик яратади. Аммо, бу имкониятдан ҳозирча тўлиқ фойдаланилмаяпти. Чунки минтақада таълим соҳасида рақобат кучаймоқда. Туркия, Малайзия, Россия, Хитой ва Форс кўрфази мамлакатлари халқаро талабалар бозорида ўз брендларини фаол илгари сурмоқда. Агар Ўзбекистон яқин бозорларда ўзининг географик устунлигини институционал моделга айлантирмаса, ушбу талаб рақобатчи таълим марказларига ўтиб кетиши мумкин.

Ўзбекистонда бугунги кунда хорижий талабалар сони 23,6 минг кишини ташкил этади. Шу билан бирга, сўнгги йилларда хорижий таълим олувчилар сони, жумладан Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатларидан келган талабалар сони ошди. Хусусан, 2025/2026 ўқув йили ҳолатига кўра, Ҳиндистондан келганлар сони 13 минг, Туркменистондан 4,7 минг, Покистондан 1,1 минг, Қозғистондан 1 минг, Тожикистондан 0,7 минг ва Хитойдан 0,5 минг нафарни ташкил этди. Хорижий талабалар энг кўп Самарқанд давлат тиббиёт университети, Тошкент тиббиёт академияси, Бухоро давлат тиббиёт институти ва Андижон давлат тиббиёт институти каби олий таълим муассасаларида таҳсил олмоқда. Бу ҳолат Ўзбекистон тиббиёт таълимининг халқаро миқёсда юқори талабга эга эканини кўрсатади.

Гравитацион модель масофа таълим экспортида ҳал қилувчи омил эканини кўрсатади. Гравитация модели натижалари шуни кўрсатадики, қўшни мамлакатлар ЯИМи 1 фоизга ўсганда Ўзбекистон таълим хизматлари экспорти 0,65 фоизга ўсиш салоҳиятига эга. Шу билан бирга, бу мамлакатларда аҳоли сони 1 фоизга ўсганда эса Ўзбекистон таълим экспорти 0,72 фоизга ошиши мумкин. Бу ерда масофа омили янада кучли таъсир кўрсатади. Давлатлар ўртасидаги масофа қанчалик яқин бўлса, яъни улар ўртасидаги масофа 1 фоизга қисқарса, таълим экспорти 1,4-1,7 фоизга ошиши мумкин. Бу эса ота-оналар учун ташриф харажатларининг пастлиги, талаба учун мослашиш осонлиги, транспорт ва психологик тўсиқлар деярли мавжуд эмаслиги, яшаш ва ўқиш харажатлари арзонлиги билан боғлиқ.

Таҳлилда таълим экспортига гравитацион ёндашув қўлланди. Бу ёндашувга кўра донор мамлакат иқтисодий жиҳатдан катта ва аҳолиси қанчалик кўп бўлса, таълим экспорти учун салоҳият шунчалик юқори бўлади. Шу билан бирга, давлатлар орасидаги масофа қанчалик узоқ бўлса, талаб шунчалик пасаяди. 2025 йил учун 58 та мамлакат маълумотларидан фойдаланилди.

Энг катта имконият яқин бозорларда. Тегишли равишда, таҳлиллар бозорларни учта асосий зонага ажратиш имконини беради. 250 км гача бўлган яқин зона асосий талаб бозори ҳисобланади. Бу ерда кундалик ёки паст харажатли мобиллик имкони юқори, оилавий ташрифлар осон, университет ҳақида ахборот тез тарқалади. Ушбу зонага Шимкент, Туркистон вилояти, Тараз, Хўжанд, Ўш вилояти ва Мозори-Шариф каби ҳудудлар киради. 250-600 км оралиғидаги ўрта зона ҳисобланади. Бу ерда талаб таълим сифати, дастурлар мазмуни, халқаро репутация ва таълим тили каби омилларга боғлиқ бўлади. Шу нуқтаи назардан, Қашғар, Бишкек, Қизилўрда, Кобул ва Ашхобод яқин бозорлар сифатида қаралиши мумкин. 600-1500 км оралиғидаги нисбатан узоқ зона эса Ўзбекистон кўпроқ арзон хизматлар билан эмас, балки ихтисослашган дастурлар, инглиз тилидаги таълим, визавий қўллаб-қувватлаш ва халқаро бренд орқали рақобат қила олади.

Стратегик жиҳатдан энг тўғри қарор, Ўзбекистонни “кўп узелли минтақавий таълим хаби” сифатида позициялашдир. Яна бир муҳим жиҳат, Ўзбекистонда беш йўналишли таълим марказларини шакллантириш имкони мавжудлигидир.

Тадқиқотда олийгоҳларнинг ҳудудий тортишиш зоналарини аниқлаш учун Тиссен усулидан (Thiessen/Voronoi) фойдаланилди. Мазкур усул муайян олий таълим муассасасига бошқа таълим марказларига нисбатан яқинроқ жойлашган ҳудудларни бирлаштириш орқали университетларнинг маконга боғлиқ таъсир доираларини шакллантиришга хизмат қилади. Бу Ўзбекистон олийгоҳларининг эҳтимолий таълим таъсирини белгилаш ва уларнинг минтақавий таълим хизматлари бозоридаги ҳудудий рақобатбардошлигини баҳолаш имконини беради. Индекс нормаллаштирилгандан сўнг 0 дан 5 гача қиймат қабул қилади. Талқин қилиш қулай бўлиши учун ушбу қиймат жозибadorлик рейтинги шкаласига ўтказилади.

Тошкент-Чирчиқ йўналиши Қозоғистон, Тожикистон ва қисман СУАР Хитой бозорларига хизмат қилади. Андижон-Фарғона йўналиши Қирғизистон ва ғарбий Хитой билан боғланган. Самарқанд Тожикистон ва шимолий Афғонистон учун табиий марказ бўлиши мумкин. Термиз Афғонистон ва кейинчалик Покистон учун таълим кўприги вазифасини бажаради. Нукус-Навоий-Бухоро кластери эса Қозоғистон, Туркменистон ва ғарбий йўналишлар учун минтақавий марказ вазифасини бажариши мумкин.

Айниқса Хитойнинг Синьцзян-Уйғур автоном райони билан ишлашда алоҳида ёндашув зарур. Қашғар Ўзбекистон учун ўрта масофали, лекин юқори потенциалли бозор ҳисобланади. Уйғур тилининг туркий тиллар билан яқинлиги талабалар мослашиш харажатларини камайтириши мумкин.



Шу билан бирга, ҳозирча ўзбек ОТМларида уйғур тилида таълим дастурлари амалда шаклланмаган. Демак, ушбу бозорга кириш учун фақат маркетинг етарли эмас, балки махсус таълим дастурлари, академик маслаҳат хизматлари, стипендиялар дастури, транспорт-коммуникация пакетини яратиш зарур.

Таълим экспортида тил сиёсати алоҳида инструментга айланиши керак. Шу билан бирга, Олий таълим жозибadorлиги рейтингининг натижалари маҳаллий университетларнинг халқаро талабаларни жалб қилиш салоҳиятида сезиларли фарқ борлигини кўрсатади.

Бу жиҳатдан, Чирчиқ давлат педагогика университети энг юқори салоҳиятга эга, чунки у ҳам Қозоғистон ва Тожикистонга яқин, ҳам қўшни мамлакатлар тилларида таълим дастурларини таклиф этмоқда. Нукус давлат педагогика институти юқори салоҳиятли кластер сифатида ажралиб туради. Навоий давлат педагогика институти, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ва Қорақалпоқ давлат университети ўрта-юқори тоифадаги экспорт нуқталари сифатида қаралиши мумкин. Фарғона, Андижон, Термиз ва Самарқанд йўналишларида эса географик устунлик мавжуд бўлса-да, тил, квота, халқаро маркетинг ва дастур сифатини кучайтириш талаб этилади.

Олий таълим муассасаларининг таълим жозибadorлиги рейтинги (HEI Attraction Index) ҳисоб-китобида таълим дастурларининг тил жиҳатидан қулайлиги, мақсадли бозорлар гаплашадиган тиллардаги дастурлар мавжудлиги, мақсадли экспорт бозорларига, жумладан Қозоғистон, Шинжон-Уйғур автоном райони, Тожикистон ва бошқа ҳудудларга географик яқинлик, шунингдек, тайёрлов кўлами, яъни контингент, ўринлар сони ва таълим экспорти мақсад қилинган мамлакатлар тилларида ўқитиш учун ажратилган квоталар инobatта олинади.

ТАКЛИФЛАР

“Ўзбекистон халқаро таълим хаби - 2030” дастури ишлаб чиқиш. Унда бешта минтақавий таълим кластери, уларнинг мақсадли ташқи бозорлари ва масъул ОТМлари аниқ белгилаш назарда тутилади. Дастурнинг асосий мақсади 600 км радиусдаги яқин ва ўрта бозорлардан келадиган хорижий талабалар оқимини босқичма-босқич оширишдан иборат бўлади. Шу билан бирга, чегараолди ҳудудларда Ўзбекистон олий таълим муассасаларининг филиаллари ва ваколатхоналарини ташкил этиш орқали трансчегаравий таълим инфратузилмасини ривожлантириш ҳам кўзда тутилади.

Маркетинг кампаниясини йўлга қўйиш. Қозоғистон жануби, Суғд вилояти, Ўш вилояти, Қашғар ва Шимолий Афғонистон бўйича мақсадли рекрутинг режалари ишлаб чиқиш, ҳар бир бозор учун алоҳида қиймат таклифи, яъни нима учун айнан Ўзбекистонда ўқиш арзон, яқин, қулай ва ишончли эканини кўрсатувчи ахборот пакети тайёрлаш назарда тутилади. Натижа сифатида ҳар бир кластер учун йилига камида икки марта мақсадли қабул кампанияси ўтказиш ва хорижий абитуриентлар билан ишлайдиган масъул офислар фаолиятини йўлга қўйилади.

Яқин экспорт бозорларига мос хорижий тилдаги дастурлар пакети жорий этиш. Бунда дастлаб қозоқ, тожик, қирғиз ва туркман тилларида мавжуд дастурлар стандартлаштирилиши, кейинчалик Қашғар ва СУАР бозори учун уйғур тилида тайёрлов, академик маслаҳат ва адаптация курслари жорий қилиниши назарда тутилади. Бу чоранинг мақсади тил тўсиғини камайтириш ва Ўзбекистон ОТМларини яқин бозорлар учун психологик жиҳатдан ҳам қулай танловга айлантиришдир.

“Uzbekistan Education Gateway” ягона рақамли платформасини ишга тушириш. Платформада хорижий абитуриент учун ОТМлар, дастурлар, тил, контракт, ётоқхона, виза, ҳужжат топшириш ва қабул муддатлари бўйича ягона маълумот бериб борилади. Бу платформа фақат ахборот сайти эмас, балки ариза топшириш, жараёнини кузатиш, қабул офиси билан мулоқот қилиш ва қўшимча хизматларни боғлаш имконини берувчи “ягона дарча” тамойили асосда ишлайди.

Халқаро талабалар учун сифатли хизмат стандартлари жорий этиш. Чирчиқ, Нукус, Тошкент, Самарқанд, Термиз, Фарғона ва Навоийда ушбу стандартлар қабул жараёни, кутиб олиш, ётоқхона, тиббий суғурта, хавфсизлик, банк картаси, мобил алоқа, тил ва академик маслаҳатни қамраб олади.

Олий таълим жозибadorлиги рейтингини жорий этиш. Бунда ҳар йили янгиланадиган хорижий тилда ўқитиш имконияти, мақсадли бозорга масофавий яқинлик, қабул квоталари, халқаро талабалар контингенти, дастурлар сифати ва талабалар қониқишини қамраб олган олийгоҳлар рейтинги юритилади. Рейтинг натижалари асосида давлат грантлари, халқаро маркетинг ресурслари ва университетларнинг экспорт режалари қайта тақсимланади.